

# Сизлар учун Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламда гўзал ўрнат бор



19:05 / 05.11.2019 2766

Расулulloҳ алайҳиссаломнинг таржимаи ҳолларининг ўзи биз учун буюк намуна. Аввало, У зот алайҳиссалом биз каби оддий инсон бўлганлар ва буни ҳаммага эълон қилганлар: **«Сен: «Мен ҳам сизларга ўхшаган башарман. Менга, шубҳасиз, илоҳингиз битта «илоҳ» экани ваҳий қилинди. Бас, ким Роббига рўбарў келишни умид қилса, яхши амал қилсин ва Робби ибодатига шерик қилмасин», дегин».**

Яъни, Расулulloҳ алайҳиссалом биз каби сифатларга эга инсондир, лекин бу улуғликда ҳам биз билан баробар дегани эмас. Аллоҳ таоло Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (алайҳиссалом) каби гўзал хулқли бошқа инсон яратмаган!

Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳамма яхши хислат ва сифатларни ўзларида жамлаган ягона шахсдир. Тарихда ўтган ҳар қандай машҳур шахснинг одамлардан яширадиган, ўзи ёки оиласи шаънига доғ туширадиган гуноҳлари ва ёмонликлари бўлган. Муҳаммад (алайҳиссалом) эса ўз ҳаётларини сир сақламасдан барча одамларга намуна сифатида ошкора баён қилиб қолдирган ягона Зотдир.

Онамиз Ойша розияллоҳу анҳо оиладаги ҳолат ва ҳодисаларни Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг изнлари ила бошқа саҳобийларга ибрат ўргатиш

мақсадида ошкор айтар эдилар. Чунки у зот (алайҳиссалом)нинг ҳар бир қилган ишлари, айтган сўзлари шарият ва дин эди.

Буюк намуна шахсий хулқларнинг гўзаллиги, улуғ ишлар ёки келажак авлод учун қолдирган улкан унутилмас мерослар билан ўлчанади. Тарихда ўтган улуғларда шулардан бири мавжуд бўлиши мумкин. Лекин, Расулulloҳ (алайҳиссалом)да бу фазилатларнинг ҳаммаси мавжуд. Ўтмишдаги улуғлар фақат биргина ўз қавми ва халқи учун фойда келтиришган бўлишса, Расулulloҳ (алайҳиссалом) бутун оламларга раҳмат бўлиб келган Зотдир.

Расулulloҳ (алайҳиссалом) зарур бўлганда уйда, масжидда, йўлда ҳам яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарганлар. У зот нафақат сўзлари, балки амаллари билан ҳам ўзгаларга буюк намуна бўлганлар. Расулulloҳ алайҳиссаломнинг хулқлари Қуръон бўлган. Биз бу гапни кўп эшитамиз-у, лекин маъносини чуқур ўйлаб кўрмаймиз. Бунинг маъноси шуки, Расулulloҳ алайҳиссаломнинг қилган ҳар бир ишлари, айтган ҳар бир сўзлари ва хулқлари Ўзлари тиловат қилаётган оятлар, инсонларга етказётган маърузалар, мажлислардаги ваъз-насихатларга мос демакдир.

Расулulloҳ алайҳиссаломнинг олдинги-ю кейинги гуноҳлари мағфират қилинган бўлса ҳам, тунларни намоз билан бедор ўтказар эдилар, ҳатто товонлари шишиб кетар эди. Расулulloҳ алайҳиссаломнинг оёқлари шишиб кетганини кўрган саҳобалар: «Аллоҳ сизнинг ҳамма гуноҳларингизни мағфират қилган бўлса, шунчалик азоб чекиб ўзингизни қийнайсизми?» дейишганда, у Зоти муборак: **“Мен шуқр қилгувчи бандалардан бўлмайманми?”** дея жавоб берганлар.

Тарихда таниқли ва аслзода шахслар жиноят содир этишса, кам ҳолларда уларга нисбатан жазо қўлланилган. Расулulloҳ (алайҳиссалом) даврларида ҳам худди шундай воқеа содир бўлди. Қурайшнинг энг обрўли Бану Маҳзум қабиласидан бир қиз ўғрилиқ қилди. Ўғрилиқ содир этилгач, кўпчилик «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кечиримли Зот, уни авф этадилар, қолаверса, бу қиз обрўли оиладан, ҳеч бўлмаганда бошқа енгилроқ жазо қўлланса керак», деб ўйлашди. Лекин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буни эшитиб, **«Эй одамлар, албатта, сиздан олдин ўтганларнинг ҳалок бўлишлари ичларидан шарифлар ўғрилиқ қилишса қўйиб юбориб, заифлар ўғрилиқ қилса жазони қоим қилишлари сабабидан бўлган»**, деб таъкидладилар. Сўнг тарих мислини кўрмаган ва фақат Ислом динига хос бир ҳадисни айтдилар:

**«Аллоҳга қасамки, агар Муҳаммаднинг қизи Фотима ўғрилиқ қилса ҳам албатта қўлини кесаман!».**

Ҳа, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хоҳиш-истаглари ва ҳаёт-мамонтлари Аллоҳдан тушаётган ваҳий билан боғлиқ эди. Бу ваҳийга қарама-қарши бўлган йўл У зот учун бегона йўл ҳисобланар эди.

Қурайшликлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга катта бойлик ва подшоҳлик ваъда қилишиб, эвазига Исломни ёйишдан воз кечишни сўрашганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳнинг номи билан қасам ичиб айтаманки, агар ўнг қўлимга қуёшни, чап қўлимга ойни тутқазиса ҳам Аллоҳнинг ўзи бошлаган ишимга равнақ бермагунча ёки шу йўлда ҳалок бўлмагунимча танлаган йўлимдан воз кечмайман»**, дедилар.

Тасаввур қилинг, бир одам сизга энг яқин кишингизнинг жонига қасд қилди. Сўнг ёнингизга келиб, афв тилади. Сиз унинг айбидан кўз юма оласизми?! Чеккан азобларингизни унутиб, уни кечира оласизми?! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса амакилари Ҳамза розияллоҳу анҳонинг қотили Ваҳший розияллоҳу анҳо Исломни қабул қилгач, уни афв этганлар.

Макка аҳли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни саҳобаларидан жудо этиб, юрган йўлларига тиконлар сочишар, сажда қилиб турган ҳолатларида туянинг ичакларини ташлаб кетишар ва доимо мазах қилишар эди. Бу ҳол бир ёки икки йил давом этгани йўқ, балки ўн уч йил муттасил давом этди. Лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу мусибатларга сабр қилиб, уларнинг ҳаққига дуолар қилдилар. Аллоҳнинг нусрати ила Макка фатҳ этилганида маккалик мушриклар қўлларида ҳеч нарса келмаган ҳолларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан берилажак ҳукмни кутиб туришарди. Чунки улар қилмишлари кечирилмаслигини, ўлимга маҳкум эканликларини ва шунга лойиқ қанчалик жирканч иш қилганларини билишар эди. Шундай бўлса-да, бу мушриклар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳусни хулқлари ҳақида бир-бирига сўзлаб, кечирилишларига умид боғлашарди. Расулуллоҳ эса ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмаган бошқа йўлни танладилар, бу ҳукмни ҳеч ким кутмаганлиги ҳам рост эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга қараб: **«Кетаверинглар, сизлар озодсизлар»**, деб марҳамат қилдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тўғри сўзликлари ва омонатдорликлари ҳам буюк намуна. Бу Зот алайҳиссаломнинг омонатдорликларини эсланг! Ҳатто кофирнинг омонатига ҳам хиёнат қилмадилар! Қурайшликлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламландан бошқа ишончли омонатдор инсон топа олишмаган.

Тасаввур қиляяпсиз-ми?, бир-бирига қарама-қарши икки тараф, ўртада жанг кетаётганига қарамай, мушриклар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўз моллари ва пулларини ишониб топширганлар.

Расули Акрам сарвари коинот бўлишларига қарамай, саҳобалари билан бирга ишлар, яшаш тарзлари уларникидан фарқ қилмас эди, мажлисга борганларида қаерда бўш жой бўлса, шу ерга ўтирар эдилар, ҳатто келган одам: «Қайси бирингиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламсиз?», деб сўрарди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фақирона ҳаёт кечирдилар, фақирликлари ожизликларидан эмас, балки бойликка ружу қўймаганликларидан эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳужраларининг узунлиги йигирма беш қулочдан ошмаган. Оиша розияллоҳу анҳо онамиз билан истиқомат қилган ҳужралари бир хонали бўлиб, гуваладан тикланган эди. Ҳужранинг торлигидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиганларида Оиша розияллоҳу анҳо онамиз ухлай олмас эдилар. Расулуллоҳ сажда қилганларида Оиша розияллоҳу анҳо онамиз оёқларини йиғиштириб олардилар. Уйда ойлаб қозон осилмас, кўпинча оила таоми хурмо ва сувдан иборат эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ичига хурмо дарахтининг пўстлоғи солинган чарм тўшакда ётардилар.

Ҳафса розияллоҳу анҳо онамиз шундай ҳикоя қиладилар: Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг тўшаклари биттагина палос эди, уни икки буклаб солиб берардик. Бир куни палосни тўр буклаб солиб берган эдик, эртасига у Зот палосни неча қават қилиб тўшаганимизни сўрадилар, биз тўрт буклаб солганимизни айтганимизда, бундан кейин икки қават қилиб солинлар, бугун ўриннинг юмшоқлиги мени намоздан қўйди, деганлар.

Ё Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Сизнинг хизматларингизни, фазилатларингизни ёзиб, васф этиб тугатишнинг имкони йўқ. Бугунгача дунёдаги бирор машҳур шахснинг ҳасби ҳоли Сизникичалик кўп ва кенг ўрганилмаган, бу Сиз келтирган илоҳий рисолат ҳақлигига, Сиз келтирган

дин Аллоҳ наздида мақбул, бутун инсониятга таклиф этилган охирги таълимот эканига ёрқин далилдир.

**«Огоҳ бўлинг! Албатта, мен сиздан аввал боргувчиман, сизлар ҳам менга етиб оласиз.**

**Огоҳ бўлинг! Ваъдалашган жойимиз - ҳавзи Кавсардир.**

**Огоҳ бўлинг! Кимки эртага бу манзилда бўлишни истаса, тилини ва қўлини ёмонликдан тийсин».**

Аллоҳ таоло барчаларимизни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга қилсин!

**Даврон Нурмуҳаммад**